

# **СОЛИҚ МАЬМУРЧИЛИГИ СЕРВИС ФУНКЦИЯСИДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

**Хужамурадов Аброрбек Рўзимурат ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси

Солиқлар ва солиққа тортиш йўналиши Магистратураси тингловчиси

**Аннотация:** Солиқ тўловчилар учун қулай сервис турларини жорий солиқ маъмурчилигининг такомиллаштиришнинг самарали усули ҳисобланади. Шу сабабли, солиқ маъмурчилигига солиқ тўловчиларга янги сервис функцияларини жорий этиш ҳамда ҳамда мавжуд сервис хизматларини қулайлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқот бўйича солиқ маъмурчилиги таҳлил этилиб таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Солиқ маъмурчилиги, сервис хизматлари, Онлайн НКМ, солиш тизимини соддалаштириш, электрон хизматлари, интерактив хизматлар, ахборот хизматлари.

## **Actual problems and their solutions in the tax administration service function**

**Abstract:** Convenient service types for taxpayers are an effective way to improve the current tax administration. Therefore, the tax administration pays special attention to the introduction of new service functions for taxpayers, as well as to the facilitation of existing service services. According to the study, the tax administration was analyzed and proposals were developed.

**Keywords:** Tax administration, services, Online NKM, simplifying the payment system, electronic services, interactive services, information services.

Бугунги кунда солиқ органларининг электрон хизматлари жами 46 та хизмат тури мавжуд бўлиб шундан 21 таси интерактив хизматлар (Солиқларни тўлаш, Шахсий кабинет орқали электрон ўзаро муносабатлар, Юридик шахсларнинг ҳисботларини юбориш, Якка тартибдаги тадбиркорларни ҳисботларини юбориш, Солиқ декларацияларини юбориш, Ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш ёки бошқа солиқ турига ўтказиш, Резидентлик сертификати, Назорат-касса машиналарини рўйхатдан ўтказиш, Мурожаатларни юбориш, Қабулга ёзилиш, Ходимларни мол-мулк солигини тўлаш, Электрон ҳисоб-фактуралар, Ижара шартномаларни ҳисобга кўйиш, Нафақаҳўрни ишга олиш ва бўшатиш, Ёлланган ходимларни рўйхатда ўтказиш, Онлайн НКМ ва виртуал касса маълумотлари, Резюме юбориш, ҚҚСнинг ўрни қоплаш лозим бўлган суммасини қайтариш, Тадбиркорга кўмак бериш бўйича сўровнома, Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат, Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш) ва 25 таси ахборот хизматлари

(Сизнинг солиқ хизматингиз, Солиқ низолари тўғрисида, Кўп учрайдиган саволлар, Солиқ органларининг расмий тушунтиришлари, Жисмоний шахсларнинг солиқлар бўйича маслаҳатчи, Солиқларни ҳисоблаш калкуляторлари, Солиқлар калкуляторлари, Солиқ имтиёзлари, Ўз бизнесингни яратинг, СТИР ёки ЖШШИРингизни аниқланган, Солиқ текшируви натижалари, Солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотлар, ҚҚС тўловчилар, Контрагент ҳақида маълумот, Солиқ мажбуриятини бажарилиши масалалари, Жисмоний шахсларни солиқка тортиладиган обьектлари, Ҳисобга қўйиш маълумотлари, Бюджет билан ҳисоб-китоблар, Солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома, Солиқ ва тўловлар бўйича қарздорлар, Банкрот корхоналар, Аудиторлик текширувидан ўтган корхоналар, Мурожаатларни кўриб чиқиши ҳолати, Солиқ тўловчининг тақвими, Фуқароларнинг ҳисобланган суғурта бадаллари)

Шунингдек солиқ қўмитасига 2023-йил январь декабрь ойлари давомида жами 52 438 та мурожаат келиб тушган бўлиб ушбу мурожаатларнинг 45 258 таси ёки 86,3% электрон тарзда келиб тушган мурожаатлар эканлиги soliq.uz сайтида ўз аксини топган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу Қарорга асосан солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек ўтган давр мобайнида солиқ органларнинг ҳисбот шакллари такомиллаштирилиб, солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар сони кескин ошишига эришилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 26-июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон қарорида солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таҳлилнинг илфор автоматлаштирилган услублари, электрон ҳисбварак-фактураларни ҳисобга олиш ва онлайн назорат-касса машиналарининг автоматлаштирилган мониторинги бўйича дастурий маҳсулотлар жорий этилиши ҳамда самарали фаолият кўрсатиши белгилаб берилган.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 25-июндаги “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисбварак-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сон қарорига асосан республика ҳудудида 2019 йил 1 июлдан

бошлаб ихтиёрий равища, 2020 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритиш тизимини мажбурий тартибда жорий этишлиши белгиланди.

Юқорида келтирилган қарорлар қабул қилиниши муносабати билан электрон ҳисобварақ фактуралар расмийлаштирилиб солик тўловчилар томонидан томонидан солик органларига қўшилган қиймат солиги, айланмадан олинадиган солик ҳисботини тақдим этишда қулайликлар яратилиб фактуралар автомат тарзда шакллантирилмоқда. Худди шундай онлайн назорат касса машиналари орқали урилган чеклар ҳам қўшилган қиймат солиги ҳамда айланмадан олинадиган солик ҳисботларида автомат шаклланмоқда.

Куйида келтирилган жадвалда 2023 йил 1 декабрь ҳолатига онлайн назорат касса машиналаридан фойдаланган ҳолда солик тўловчилар томонидан расмийлаштирилган чеклар ҳамда савдо ҳажми келтирилган.<sup>1</sup>

№	Худуд номи	Чэклар сони (минг дона)	Савдо ҳажми (млрд сўмда)
1	Андижон вилоят солик бошқармаси	34 101	9 654
2	Бухоро вилоят солик бошқармаси	25 779	8 154
3	Жizzах вилоят солик бошқармаси	15 012	3 381
4	Қашқадарё вилоят солик бошқармаси	28 996	8 888
5	Навоий вилоят солик бошқармаси	22 983	4 517
6	Наманган вилоят солик бошқармаси	29 073	10 012
7	Самарқанд вилоят солик бошқармаси	50 590	18 779
8	Сурхондарё вилоят солик бошқармаси	16 352	6 174
9	Сирдарё вилоят солик бошқармаси	10 571	3 063
10	Тошкент шаҳар солик бошқармаси	379 256	87 582
11	Тошкент вилоят солик бошқармаси	96 836	21 058
12	Фарғона вилоят солик бошқармаси	50 064	13 422
13	Хоразм вилоят солик бошқармаси	23 418	8 232

<sup>1</sup>Жадвал муваллиф томонидан [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) сайти маълумотларига асосан тайёрланди.

14	Қарақалпоғистон Республикаси солиқ бошқармаси	18 104	5 462
	<b>Жами</b>	<b>801 135</b>	<b>208 378</b>

Юқоридаги жадвалдан күриниб турибиди 2023-йил январь-ноябрь ойлари давомида онлайн назорат касса машиналаридан фойдаланилғанлиги натижасида 193 276,0 млрд.сүм құшилған қиймат солиғи, 13 509,0 млрд.сүм айланмадан олинадиган солиқ базаси учун солиқ базаси онлайн назорат касса чекларидан расмийлаштирилиши натижасида солиқ ҳисоботларидан акс эттирилған.

В.А.Красницкий “Солиқ маъмуриятчилиги” тушунчасини икки томондан очиб берган. Биринчидан, бу бошқарув органлари тизими (қонун чиқарувчи ва маъмурий солиқ органлари). Уларнинг вазифаларига кейинги режалаштириш даври учун солиқ концепциясини ўтказишни процессуал қўллаб-қувватлаш киради: қўриб чиқиш ва муҳокама қилиш, қонун хужжатларини тасдиқлаш. Бундан ташқари, улар солиқ бюджети ижроси бўйича ҳисоботларни тузишлари, уларни ҳар томонлама таҳлил қилишлари керак. Иккинчидан, бу солиқ ҳаракатлари ва аниқ солиқ техникасини тартибга солувчи, шунингдек, солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгиловчи нормалар ва қоидалар мажмуудир.

Солиқ маъмуриятчилиги тушунчасига Ж.Ж.Урмонов ҳам таъриф берган: Солиқ маъмуриятчилиги-солиқлар ва солиқ обьектларини ҳисобга олиш, солиқ назоратини амалга ошириш, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгилаш, солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўйича давлат фискал органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимидир.

Юқоридагиларга асосланиб шуни айтиш керакки, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиёти ва солиқ тўловчилар фаолияти ривожи учун ўта муҳимлигини инобатга олган ҳолда айниқса сервис соҳасида қўплаб муаммоларни ҳал қилишни талаб қиласди. Солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ тўловчиларга сервис функциясини сифатини қадамба-қадам яхшилаб бориш ва “Солиқ хизмати – инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори” тамойили асосида иш олиб боришни йўлга қўйиши.

Солиқ маъмурчилиги **сервис функциясини** такомиллаштиришга ёрдам берадиган баъзи ечимлар:

Биринчидан: Рақамлаштириш солиқ маъмурчилиги жараёнларини соддалаштиришга, мувофиқлик харажатларини камайтиришга ва аниқликни оширишга ёрдам беради.

Иккинчидан: Ресурс солиқларини солиқ тўловчилар учун тайёр ҳолда шаклланишини таъминлаш.

Учинчидан: Солиқ тўловчилар учун энг зарур хизмат турларини аниқлаб ушбу йўналишида иш олиб бориш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 26-июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 25-июндаги “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварак-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сон қарори.
5. В.А.Красницкий.Налоговоеадминистрирование.<https://wiseeconomist.ru/poleznoe/29668-nalogovoeadministrirovanie.25.02.2023>.
6. Ж.Ж.Урмонов. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Дисс. Автореферати. 2018.
7. Интернет сайtlари: [www.lex.uz](http://www.lex.uz), [www.norma.uz](http://www.norma.uz), [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz).